

## Намозни очувчи дуодан кейин «аъзузу»ни айтиш



09:25 / 19.02.2025 1883

Намозда такбири таҳримадан кейин «Аъзузу биллаҳи минаш шайтонир рожийм»ни айтиш суннат амалдир. Қуръони каримнинг Наҳл сураси 98-оятида:

(مِجْرَلًا نَاطِقِيًّا شَلَّانَ مَهْلًا لِّابْذِغْ تَسْأَفَ نَازِقُلًا تَأْرَقُ اذِّإِف)

«Агар Қуръон ўқисанг, лаънати шайтондан Аллоҳнинг (номи) ила паноҳ тила», дейилган.

Бу оятдан ихтиёр қилинган нарса «Аъзузу биллаҳи минаш шайтонир рожийм»ни айтишдир.

Баъзилар, бундан «Аъзу биллаҳис самийъул ѓалийм минаш шайтонир рожийм»ни айтиш қасд қилинган, дейишган.

Лекин аввалги лафз билан айтиш машҳурдир.